





КЎКЛАМ ГАШТИ

Дилда завқ уйғотади
Юртимиз дала-дашти.
Кўм-кўк барқут ёзилган,
Тоғ, қирларнинг бор гашти.

Қирга боқсанг, гувиллар
Тракторлар наъраси.
Тоғ кўйнида янграйди
Кўй-кўзилар маъраши.

Кўкка боқсанг тизилиб,
Қушчалар учишмоқда.
Кўлга боқсанг, чайкалар —
Шўйғишиб тушишмоқда.

Чексиз экинзор бўйлаб
Меҳнат, ҳаёт жўш урар.

Дехқонлар эккан чигит —
Тезда майсадек унар.

Кичкинтойлар ҳам сафда,
Катталарга қарашар,
Дарслардан бўш вақтларда
У-бу ишга ярашар.

Илк кўкламнинг даъвати:
-- Ишга ҳисса қўш! — демак.
Эл-юртимиз бахти-чун
Ҳисса қўшамиз бешак!

Ҳаммамиз бир жон, бир тан
Илғормиз ўқиш, ишда.
Бурчимизни ҳамиша —
Ўтаймиз ёз, куз, кишда!

ОЙХОН ВА РАЙҲОН

Ҳар хил кўчатни Ойхон
Жўякка экиб қўйди:
Жамбил, сада, ошрайхон
Барг ёзсин, — деб сув қўйди.

Янги, пўлат кетмонча
Тушмади ҳеч қўлидан.
Кўчат тагларин анча
Юмшатди ўнг-сўлидан.

Яшнаб тез кун ичида
Новдалари ёзди қад.
Ойхон ўз тулзорини
Парвариш этди ҳар вақт.

Ойхоннинг сочи каби
Қуюқ ўсди райҳонлар.

Кулф урган ариқ лаби,
Қўркам супа, айвонлар.

Тушлик қилдик биз роса,
Келтирилди мошхўрда
Ойхон ичса бир коса
Таъми жуда хушхўр-да!

Шунда бизнинг Ойхоннинг
Қувончдан қулди юзи.
Чунки хушбўй райҳонни
Эккан эди-да, ўзи!

Боболар насихатин
Эслаб севинчга ботди.
Ҳалол меҳнат роҳатин
Ойхон ҳам шу кун тотди.



ГУЛДЕК ЯШНАР БОЛАЛАР

Болажонлар куйлашар
Тинчлик, бахт куйин.
Қишда кўркам боғчада
Қизийди ўйин.

Ёзда-чи, гулзор бўйлаб
Яйрар қиз, ўғил.
Уларни кўрган замон
Деймиз: — Жонли гул!

Қўз нури — фарзандларин
Қўриқлар эллар!

Бошларига ёғилмас,
Энди ўқ-селлар!

— Тинчлик! — сўзи жаҳонда
Янғрайди доим.
Она гўдак аллалар
Қуйлаб мулойим.

Гулдек яшнаб болалар,
Қувноқ ўсишар.
Халқлар қонли урушнинг
Йўлин тўсишар!







ҚОР ЁҒАР

Қор ёғар, қор ёғар
Учқунлаб.
Яхмалак отдик биз
Уч кунлаб.

Кенг, ошпок дастурхон
Ёзилди.
Арчага безаклар
Осилди.

Нуроний Қорбобо
Кирдилар.
Бизларга совгалар
Бердилар.

Бир зумда бошланди
Янги йил.
Севинчдан янгради
Мургак дил.

Шўх рақсга тушишди
Болалар:
Низомжон, Алёша,
Лолалар.

Бўралаб ёккан қор
Тез тинди.
— Ёккин қор, ҳазилни —
Қўй энди!

Қўпроқ ёғ, кумушдек
Товланиб.
Тог, кирни кезайлик
Тобланиб.

Ёккин қор, ёккин қор.
Гуниллаб.
Даврада ўйнайлик
Дўмбиллаб!